

**ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА
УЛАРНИ БИР ГУРУХ ШАХСЛАР БЕЗОРИЛИГИДАН АЖРАТИШ
МАСАЛАЛАРИ**

**ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ИХ
РАЗГРАНИЧЕНИЕ ОТ ХУЛИГАНСТВА, СОВЕРШЁННОГО ГРУППОЙ ЛИЦ**

**ISSUES OF QUALIFICATION OF MASS DISTURBANCES AND THEIR
DISTINCTION FROM HOOLIGANISM BY A GROUP OF INDIVIDUALS**

А.А.Қабулов

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хафсизлиги
университети мустақил изланувчиси*

Мазкур мақолада оммавий тартибсизликларнинг квалификация масалалари ва уларни бир гурух шахслар томонидан содир этилган безориликдан ажратишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади. Оммавий тартибсизликлар ва безориликнинг ўзаро фарқи, жиноят таркиби ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари кўриб чиқилади. Шунингдек, ушбу жиноятларнинг амалиётдаги квалификация масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Оммавий тартибсизликлар, квалификация, безорилик, гурух, ҳуқуқий фарқ, жиноят таркиби.

В данной статье анализируются вопросы квалификации массовых беспорядков и правовые основания их разграничения от хулиганства, совершенного группой лиц. Рассматриваются различия между массовыми беспорядками и хулиганством, состав преступления и их правовые последствия. Также уделено внимание вопросам квалификации этих преступлений в практике.

Ключевые слова: Массовые беспорядки, квалификация, хулиганство, группа, правовые различия, состав преступления.

This article analyzes the issues of qualification of mass disturbances and the legal basis for distinguishing them from hooliganism committed by a group of individuals. It examines the differences between mass disturbances and hooliganism, the elements of the crime, and their legal consequences. Attention is also given to the practical issues of qualifying these crimes.

Keywords: Mass disturbances, qualification, hooliganism, group, legal distinction, elements of crime.

Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик асосларини кўриб чиқиши тегишли нормаларни қўллашда қатор муаммоларни мавжудлигидан дарак бермокда. Уларни тадқиқ этиш ушбу жиноятларни квалификация қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик www.bestpublication.net

тўғрисидаги миллий жиноят қонунчилигини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш учун фойдали бўлиши мумкин.

Демак, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини бузиш каби ҳаракатларни квалификация қилиш масалалари таҳлилига тўхталамиз. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ЖК амал қилиш даврида 217-моддада кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этиб, маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлик бир нечта ҳолатлари мавжуд. Жумладан, блогер Олимжон Ҳайдаров Фарғона вилоятидаги Albus гипс заводи ходимлари туман ташкилотларида газ узилиши туфайли 10 минг аҳоли ишсиз қолганини даъво қилган видеони эълон қилган эди. Заводнинг етти нафар ишчиси безорилик, йиғилишлар, митинглар ёки намойишлар ўтказиш тартибини бузганлик айби билан 5–10 суткага қамалди (МЖТКнинг 201-моддаси асосида)²³.

Шу каби, 2021 йил 26 сентябрь куни соат 12:10 да, Самарқанд тумани “Янгиарик-1” МФЙ, Чунгул кўчасида яшовчи 13 нафар фуқаролар, маҳаллалари хонадонларига табиий газ йўклигидан норозилик билдириб, Самарқанд "M-37а автомобиль ҳалқа йўли"нинг 8-9 километрида йўлининг қатнов қисмига чиқиб, йўлни тўсиб қўйган. Маълум бўлишича, фуқаролар истиқомат қилувчи маҳаллага Самарқанд тумани Газ таъминоти бўлими томонидан охирги маротаба жорий йилнинг 29 июль куни суюлтирилган газ баллонлари тарқатилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Жиноят ишлари бўйича Самарқанд тумани судининг 27 сентябрь кунидаги қарори билан 13 нафар шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси (майда безорилик) ҳамда 201-моддаси (йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш) да назарда тутилган ҳукуқбузарликларни содир этганликда айбли деб топилиб, маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Расмий маълумотларга кўра, мазкур модда бўйича бирорта жиноят содир қилиниаган. Назаримизда, мазкур вазият ҳолатларни квалификация қилишда хатолар ҳамда ушбу тартибга соловчи норманинг қонунчиликдаги тузилишининг номуккаммалиги натижасидир.

Жиноят ҳуқуки фанида мазкур нормаларни қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган турли хил таклифлар мавжуд. Масалан, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини бузиш оммавий тадбирга тўсқинлик қилиш ва безорилик, оммавий тартибсизликлар, шунингдек айрим мансабдорлик жинояллари ўртасидаги фарқни аниқлаш масаласи таҳлил қилинади. Хусусан, тадқиқотчи А.В.Серебренникова, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ва жисмоний куч, зўрлик қўллаш орқали йиғилишлар, митинг ёки бошқача оммавий ҳаракатига тўсқинлик қилиш, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 149 (Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар

²³ <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/16/haydarov/>

уюштириш, ўтказишига қаршилик кўрсатиш) ва 286-модда (Мансаб ваколати доирасидан четга чиқиши билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши керак, деб хисоблайди²⁴.

Айтиш жоизки, бизнинг ЖКда РФ ЖКнинг 149-моддаси “Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказишига қаршилик кўрсатиш” жинояти таркиби мавжуд эмас. Ваҳоланки, амалиётда шунга ўхшаш воқеалар юз бераётгани, жумладан айrim ҳолларда мансабдор шахслар аралашуви билан оммавий тадбир ўтказилишига тўскинлик қилиш ҳолатлари учраб туриши сир эмас.

Мисол учун, 2019 йил 3 апрелда собық Тошкент шаҳар ҳокими томонидан “Бессмертный полк” оммавий ҳаракати ташкилотчилари билан учрашувда уларнинг Тошкентнинг айrim кўчалари бўйича юриш уюштиришига руҳсат берилган эди. Бироқ кейинчалик ҳоким ва ИИБ қарорлари билан мазкур оммвий юриш тақиқланган, бунинг учун жавобгарлик амалдаги маъмурий ёки жиноий қонунчилик нормаларида мавжуд эмас.

Бошқа томондан, А.В.Серебренникова таърифлаган вазиятда миллий қонунчилик бўйича жиноятлар мажмуини ҳам кўриш мумкин. Бу ерда сўз Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш (ЖК 217-моддаси), айни дамда мансабдор шахс томонидан ушбу йиғилиш, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириши тўхтатишида ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши ёки зўравонлик, таҳдидлар қўллаши, ЖКнинг 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиши) билан квалификация қилиниши мумкин, жисмоний шахс ҳаракатларида эса безорилик жинояти аломатларини кўриш мумкин.

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолат амалиётда учраётгани билан, миллий қонунчиликда зарур нормалар мавжуд эмаслиги мансабдор шахс ва жисмоний шахснинг айrim хатти-ҳаракатлари жавобсиз қолиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Хусусан, ўз мансаб мавқеидан фойдаланиб, оммавий тадбирни ўтказишига тўскинлик қилса ва айни пайтда зўравонлик ишлатса, шу жумладан айrim жисмоний шахсларни оммани тарқатиб юбориш учун зўравонлик қилишга руҳсат бериши ҳолатларига доим ҳам ҳукуқ-тартибот идоралари томонидан ҳукукий баҳо берилмайди.

Бизнинг таҳлилимиз натижалари, масалан, оммавий тадбирлар ўтказиши ва уларга тўскинлик қилишда безорилик ҳаракатлари белгилари ҳам учраши туфайли, ушбу вазияларни безорилиқдан ажратиш ва тўғри ва олиона квалификация қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Бизнингча, бундай вазиятларда жиноятлар жами бўйича квалификация қилиш мумкин. Бунда, нафақат реал жиноятлар жами, балки идеал жиноятлар жами ҳам юз

²⁴ Серебренникова А. В. Уголовно-правовое обеспечение конституционных прав и свобод человека и гражданина по законодательству Российской Федерации и Германии: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2008. - Б.335.

бериши мүмкін. Оммавий тадбирни ўтказиш жамоат тартибини қўпол равища бузувчи, жамиятга очик-ойдин ҳурматсизликни ифодаловчи маълум ҳаракатлар билан бирга содир этилган бўлса, шунингдек:

а) курол ёки курол сифатида ишлатиладиган нарсаларни қўллаш билан;

б) сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний адоват ёки душманлик замирида ёки бирорта ижтимоий гурухга нисбатан нафрат ёки адоват сабабли содир қилингандиган бўлса, қилмиш жиноятлар жами бўйича ЖК 217-моддаси ва ЖК 277-моддаси тегишли бандлар билан квалификация қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, жиноятларни квалификация қилиш нуқтаи назаридан жамиятга нисбатан очик-ойдин ҳурматсизликни ифодаловчи жамоат тартибини қўпол равища бузища намоён бўладиган безорилик, айни дамда Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини бузилишга ҳам олиб келганида, квалификация бирмунча муаммоли бўлиши мумкин. Безорилик таркиби оммавий тадбирларни ўтказиш тартибини бузишни кўзда тутмайди, гарчи 3-қисми “в” банди “оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда” деб кўрсатилган бўлса ҳам, бу ерда гап айнан оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда безорилик қилишни кўзда тутади. Демак, безори шахс нияти йиғилиш, митинг, намойиш, юриш, пикет ёки шу кабилар тартибини бузишга эмас, айнан шу тадбир вақтида ўзини “кўрсатиш”га қаратилади.

Бизнинг фикримизча, башарти, унинг нияти айнан тадбирни ўтказиш тартибини бузиш, унга тўсқинлик қилишдан иборат бўлса (масалан, айрим озчиликларни ёқтираслик мотиви билан уларнинг парадларини бузиш), у ҳолда идеал жиноятлар жами бўлиши мумкин. Оммавий тадбирни ўтказиш тартибини бузиш факти безорилик белгиларига кирмайди. Ўз навбатида, безорилик жинояти таркиби оммавий тадбирни ўтказиш тартибини қўпол равища бузишни англатмайди.

Хуллас, агар йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш ёки уларда иштирок этишга тўсқинлик қилиш жамиятга очик-ойдин ҳурматсизликни ифодаловчи жамоат тартибини қўпол равища бузиш билан бирга бўлса, ЖКнинг 217-моддаси ва ЖКнинг 277-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин. Бироқ, бунинг учун амалдаги қонунчиликка айрим ўзгаришларни киритиш даркор. Хусусан, унга оммавий тадбирни ўтказишга тўсқинлик қилиш, мансаб мавқеи дан фойдаланиш ва зўрлик ишлатиш ҳақидаги нормаларни киритиш лозим, акс ҳолда бу холатлар фақатгина ЖК 277-моддаси билан квалификация қилиниб борилади, бу эса, асоссиз равища, жиноят таркибини кенгайтириб, жавобгарликни манзилли қўллашга имкон бермайди

Келинг, энди оммавий тартибсизликларни квалификация қилиш хусусиятларини таҳлил қиласиз. Аввало, биз шуни айтиб ўтишимиз жоизки, 217-моддада белгиланган Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини бузиш ва оммавий тартибсизликлар жиноятлари, бир-бирига анча яқин моддалар, хатто бир-бирини тақозо этади, дейишимиз мумкин. Гап шундаки, оммавий тадбирларни ўтказиш тартибини бузиш ўз-ўзидан оммавий

тартибсизликларга айланиб кетиши мумкин. Бундай ҳолда, ушбу жиноятларни квалификация қилишда мураккабликтар юзага келади.

Оммавий тартибсизлик шаклидаги ижтимоий хавфли қилмишнинг мураккаб таркибга эгалиги хусусиятидан келиб чиқиб, ушбу жиноятни квалификация қилишнинг асосий масалаларидан бири оммавий тартибсизликларни содир этиш усулларига жиноят-хуқуқий баҳо бериш муаммосидир. Оммавий тартибсизликларни содир этишнинг алоҳида усуллари мустақил жиноятларнинг таркибларини ташкил қилиши мумкин.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини бузиш (ЖК 217-моддаси), Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш (ЖК 218-моддаси), Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш (ЖК 219-моддаси) каби ҳаракатлар алоҳида жиноий ҳаракатлар деб тан олинади. Шу муносабат билан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фақат 244-модда билан квалификация етарли ёки етарли эмаслигини аниқлаш вазифасига дуч келади.

Юридик адабиётларда оммавий тартибсизликлар таркиби қўшимча квалификацияни талаб этаслиги, ушбу моддада баданга шикаст етказиш, шахсга қарши бошқа оғир жиноятлар, жумладан, ЖК 118, 119-моддаларида мавжуд жинсий эркинликка қарши жиноятлар, мансабдор шахс ёки ҳокимият вакилига қарши жиноятларни қамраб олиши ҳақидаги қарашлар илгари сурилади²⁵.

Тадқиқотимиз натижалари бизга бу борада маълум эътиrozларни билдириш имконини беради. Аввало, жинсий жиноятлар бўйича нормаларга эътибор қаратиш даркор. Албатта, оммавий тартибсизликлар пайтида номусга тегиш, зўрлаш каби жинсий тусдаги жиноятлар содир этилиши мумкин. Бироқ, ЖК 118-119-моддаларини қўлламаслик учун асослар мавжуд эмас. Ушбу жиноятлар оммавий тартибсизликлар билан қамраб олинмайди, чунки улар ЖК-244-моддаси диспозициясида қайд этилмаган. Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ЖК 118 ёки 119-моддасида жинсий жиноятларни содир этиш усулидан бошқа нарса эмас, ваҳоланки ЖК 244-моддаси бу воситалардан фойдаланиш оммавий ваҳима, қўрқув ва тартибсизлик чиқаришга қаратилади.

Оммавий тартибсизликлар пайтида ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш, айнан шу усул ЖК 244-моддаси диспозициясида аниқ қўрсатиб ўтилгани сабабли ЖК 219-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Шу билан бирга, биз тадқиқотчилар А.Багмет ва В.Бичковлар айтган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш тўғрисида ишора мавжуд бўлса ҳам, аммо бу бундай шахсларга

²⁵ Багмет А. М., Бычков В. В. Уголовно-правовая характеристика массовых беспорядков. М., 2009 - Б. 37.

нисбатан зўравонлик қўллаш ҳолатини қўшимча квалификация қилишни талаб этиши ҳақидаги фикрларига қўшиламиз.

Шунинг учун, назаримизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 38-сонли “Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айrim масалалар тўғрисида” қарорида “оммавий тартибсизликларнинг факат ташкилотчилари ва иштирокчилари агарда улар бевосита қирғинлар қилишда, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатларни содир этган бўлсалар ёки ҳокимият вакилларига қуролли қаршилик кўрсатган бўлсалар Жиноят кодексининг 244-моддаси билан жиноий жавобгар бўладилар” деган тушунтириши²⁶ етарлича асосланмаган, ва ҳокимият вакилларига қуролли қаршилик кўрсатишда унга ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган шикаст етказиш ҳолатини назарда тутмаган. Бизнингча, бу ҳолатлар юз берганида, албатта ЖКнинг 244-моддаси ва тегишли ҳаётга ёки соғлиққа қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалар жами бўйича квалификация қилиниши керак.

Оммавий тартибсизликлар пайтида ҳокимият вакилига нисбатан жисмоний зўрлик қўлланган тақдирда Жиноят кодексининг 219-моддасига ҳам ҳавола қилиш зарурлиги ҳақида амалиётчи юристлар ўртасида ўтказган сўровимиз натижалари ҳам далолат беради (бу фикрни респондентларнинг 74 фоизи билдирган).

Демак, оммавий тартибсизликлар таркиби жинсий тусдаги зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек ҳокимият вакилига нисбатан соғлигига шикаст етказиш шаклида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишларни қамраб олмайди. Ушбу жиноятлар белгиларининг мавжудлиги оммавий тартибсизлик қилмишини тегишли жиноятлар жами бўйича квалификация қилишни талаб қиласди (мос равища ЖК 118, 119 ва 219 моддалари билан).

Инсон соғлигига қарши жиноятларга келсак, бу ерда тегишли жиноятларни содир этганлик учун назарда тутилган жазо чоралари санкцияларини қиёсий таҳлил қилиш натижаларига амал қилиш зарур. Бунда, Жиноят кодексининг 244-моддаси қасдан баданга ўртacha оғир, енгил шикаст етказишни тўлиқ қамраб олади ва қўшимча квалификацияни талаб қилмайди, бироқ, баданга оғир шикаст етказиш ва қасдан одам ўлдиришга қаратилган ҳаракатлар тегишлича ЖК 104-моддаси ва 97-моддаси тегишли бандлари билан квалификация қилиниши шарт.

Таъкидлаш жоизки, оммавий тартибсизликлар пайтида мол-мулкнинг йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳам жиноят таркибиға кириб кетади. Бироқ, оммавий тартибсизликлар таркиби мулкий зарар етказишни қамраб олган бўлса ҳам, унинг миқдорини белгилашда, оммавий тартибсизликларнинг турли иштирокчиларининг ҳаракатларини квалификация қилиш масалаларини қўриб чиқишини тақозо этади.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 38-сонли “Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айrim масалалар тўғрисида” қарори // <https://lex.uz/docs/1442601>.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, оммавий тартибсизликларни уюштирган ва уларда бевосита иштирок этган шахснинг ҳаракатлари фақат ЖК 244-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Шу билан бирга, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар оммавий тартибсизликлар содир этишда жиноятнинг бошқа иштирокчилариға нисбатан жиноий-хуқуқий баҳо беришда муаммога дуч келади. А.З.Илёсовнинг фикрича, “оммавий тартибсизликлар биргаликда содир этиш шаклида содир этилади, шунинг учун ҳаракатларни квалификация қилишда жиноятчиларни далолатчилар, ташкилотчилар, бажарувчиларга ажратишнинг унчалик жиддий эҳтиёжи мавджуд эмас”²⁷. Шу билан бирга, муаллиф таъкидлаганидек, “қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ва бошқа ҳаракатларни содир этишда бевосита иштирок этмаган, лекин уларнинг содир этилишига ўз ҳаракатлари билан ҳисса қўшган (масалан: транспорт воситалари, жиноят содир этиш ашёлари ва воситаларини яшириш билан таъминлаш, объектларга тажовуз қилинганлиги тўғрисида маълумот бериш ва бошқалар) ёки алоҳида фуқароларни тартибсизликларда иштирок этишга оғдирган шахслар оммавий тартибсизликларда ёрдамчи ёки далолатчи деб тан олиниши керак”²⁸. Биз бу фикрга қўшиламиз.

Оммавий тартибсизликларни квалификация қилиш баъзи ҳолларда ушбу жиноят ва безорилик ўртасидаги фарқлашни талаб қиласди. Амалиётда, шахснинг ҳаракатлари бир вақтнинг ўзида оммавий тартибсизликлар ва безорилик жинояти диспозицияси билан қамраб олиниши ҳолатлари маълум. Бирок, бу ерда жиноятлар жами бўлмайди. Бизнингча, бу ерда жиноят-хуқуқий нормалар рақобати мавжуд деб таъкидлаш учун асослар етарли. Албатта, бунда оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги норма асосий аҳамиятга эга, чунки у қилмишни энг тўлиқлик билан қамраб олади. Бу норманинг ихтисослашуви, асосан, жиноят таркибининг объектив томони белгиларига асосланади. ЖК 244-моддаси бўйича жиноят содир этганда, жамоат тартиби жуда кўп одамларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан бузилади ва жамоат хавфсизлигига тажовуз қиласди. Бундан ташқари, бу оломонни, одамлар бетартиб тўдасини ташкил қилиши керак. Бундан ташқари, ЖК 244-моддасида ва ЖК 277-моддасида жиноят содир этиш усувлари бирмунча фарқ қиласди.

Фуқароларни оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилишни квалификация қилиш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Гап шундаки, амалдаги миллий жиноят қонунчилигига бир қатор нормаларда шунга ўхшаш даъват қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Масалан, ЖК 159-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш), ёки 244¹-модда. (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган

²⁷ Ильясов А. З. Уголовно-правовые и криминологические проблемы массовых беспорядков: дис. ... канд. юрид. наук. Махачкала, 1999. - Б. 53

²⁸ Ўша асарда – Б.63

материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш). Иккала моддада ҳам фуқароларга нисбатан зўравонликка чақириқлар назарда тутилиши мумкин.

Шу билан бирга, бундай вазиятларда жиноий ҳаракатни квалификация қилишда, субъектив томон (конституциявий тузумга тажовуз, террористик ва экстремистик фаолиятни тарғиб қилишни ўз ичига олиши мумкин бўлган фаолиятни) бевосита тавсифлайди. Шу боис, шахснинг даъват этишга оид ҳаракатларида унинг субъекти қарашлари бирламчи тусга эга бўлиб, квалификацияда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Эндиғи масала безорилик ва оммавий тартибсизликларни ўзаро ажратиш масаласидир. Маълумки, ахлоқ қоидлари ва жиноят-хуқукий таъқиқнинг юридик кучи турли даражада эканлиги боис уларни солишириб бўлмайди, айнан жамоат тартибини хуқукий жиҳатдан тартибга солиш жамият(аъзолари)нинг давлатга бўлган ишончи билан белгиланади. Хуқукий демократик давлатда жамоат тартиби, адолат, ишончнинг таъминланиши одоб-ахлоқ, одат нормаларнинг юзага келиши ва мавжуд бўлиши учун мақбул ташқи шароит сифатида намоён бўлади. Демак, жиноят-хуқукий нормалар жамиядга ўрнатилган одоб-ахлоқ нормаларини муҳофаза қилиш орқали фуқароларда адолатга ишончни мустаҳкамлайди²⁹.

Шундай экан, безориликнинг жиноят хуқукий ва қриминологик жиҳатларини ўрганиш асосида унинг олдини олиш масаласи долзарб ҳисобланади. Агар сўнгги йиллардаги безориликка оид статистикага мурожаат қиласак, мазкур қилмиш 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 41,9% ошан, 2021 йилда карийб 110%га ошган, 2022 йилда 50,6%га, 2023 йилнинг 9 ойида эса аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 15,8%га кўпайган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, безорилик жинояти кейинги беш йилда кескин ортиб бормоқда³⁰.

Ўз навбатида амалиётда бир гурух шахсларнинг безорилигини оммавий тартибсизликларда иштирок этиш жиноятидан ажратиш, квалификация қилиш муаммоларидан бирига айланган. Бу, хусусан, ушбу ижтимоий хавфли қилмишлар таркиблари белгилари ўхшашлиги билан боғлиқ. Оммавий тартибсизликлар обьекти жамоат хавфсизлиги, аммо жамоат тартиби ҳам бу жиноятда бузилади. Безориликнинг обьекти жамоат тартибидир, аммо совуқ қурол ёки қурол сифатида маълум нарсалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган безориликнинг энг кенг тарқалган турида жамоат хавфсизлигига ҳам тажовуз содир бўлади.

Объектив томоннинг белгилари ўртасида ҳам аниқ ажратадиган чизик йўқ. Оммавий тартибсизликлар белгиси, худди безорилик белгиси каби қуролдан фойдаданиш бўлиши мумкин. Безорилик қурол сифатида фойдаланилган ашёлардан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳолларда таҳлил қилинаётган жиноятларни фарқлаш қийинлиги шундан иборатки, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш зўравонлик билан, безорилик эса, гарчи унда доим ҳам зўрлик қўлланилмаса ҳам, имманент тарзда

²⁹ Д.Каракетова. Безориликни квалификация қилишнинг айрим масалалари // Ж.Юриспруденция – 2021 / 4 – Б.46

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти маълумотлари:// <https://stat.sud.uz>

зўравонлик билан боғлиқдир. Жумладан, Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳакида"ги қарорининг 4-бандида шундай дейилган: "Совуқ қурол ёки шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни қўллаш деганда, айборнинг улар воситасида безорилик ҳаракатлари давомида жабрланувчига нисбатан тан жароҳати етказган ёки етказишга ҳаракат қилган ҳоллар тушунилиши лозим"³¹.

Б.Волженкиннинг фикрича, зўрлик безорилик белгиси ҳисобланиши мумкин эмас, унинг таркибиға фақат жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамиятга нисбатан яққол ҳурматсизликни ифодалаш, қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган ашёлардан фойдалангандага фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирган, аммо ҳақиқатда жисмоний зарар келтирilmagan ҳолатлар киради³². Албатта, биз бунга қўшила олмаймиз, чунки ЖК 277-моддасида уриш-дўппослаш, баданга енгил ва ўртача оғирлиқдаги шикаст етказиш ҳаракатлари кўзда тутилган. Б.Волженки таъкидлаган ҳолатлар жуда кам. Кўпчилик ҳолларда безорилик зўрлик ишлатиш билан боғлиқ. Масала фақатгина бундай ҳаракатларга жиноий-хуқуқий баҳо беришда.

Олий суди Пленумининг юқорида келтирилган қарорининг 3-бандида бундай баҳолашга тушунтириш берилган, хусусан, қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиш учун безорилик замирида шахснинг баданига енгил даражада шикаст етказилганлиги кифоя. Бунда шахснинг баданига етказилган тан жароҳати унинг соғлигини бузилишига олиб келган-келмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Уриш-дўппослаш деганда, айбор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади³³.

Бундай квалификациянинг тўғрилиги ҳакида баҳслашиб ўтирумаймиз, фақатгина шуни қайд этамизки, қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган нарсалардан фойдаланиб, бир груп шахслар томонидан содир этиладиган безорилик, аксарият ҳолларда зўрлик ишлатиш билан боғлиқ, бундай қилмишларни зўравонлик билан бирга юз берган оммавий тартибсизликлар жиноятидан объектив томон белгиларига кўра ажратиш анча мушкул.

"Оммавий" белгиси тартибсизликларга нисбатан баҳоловчи хусусиятга эгалиги, шунингдек, олдиндан тил бириткириб бир груп шахслар томонидан содир этилган безориликда унинг таркибини ташкил этувчи шахслар сонининг юқори чегарасининг йўқлиги ҳам, ушбу жиноятларни аниқ ажратишга кўмак бермайди.

³¹ Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳакида"ги қарори

³² Волженкин Б. Хулиганство // Уголовное право. 2007. №5.

³³ Векленко С.В., Якунин А.И. Спорные вопросы разграничения массовых беспорядков и группового хулиганства // Вестник Калининградского филиала Санкт-Петербургского университета МВД России. 2012. N 3 (29). С. 7-16.

Мотив ва мақсад безорилик ва оммавий тартибсизликларнинг нормада берилган таркибиға киритилмаган. Адабиётларда кўпчилик тадқиқотчилар безориликни безорилик мақсадида содир этиладиган жиноят деб тан олишади³⁴. “Безорилик мақсади худди шу номдаги ҳаракатларнинг ижтимоий тавсифига кириши сабабли, уни ушбу жиноятнинг субъектив томони зарурый элементи сифатида кўрмаслик мумкин эмас. Безорилик мақсади бўлмаса, безорилик ҳаракатлари ҳам юз бериши мумкин эмас”³⁵.

Ўз навбатида оммавий тартибсизликлар мотивлари турфа хил бўлиши мумкин: ижтимоий-иқтисодий турмуш шароитларидан, ҳукумат ва бошқарув органи фаолиятидан норозилик; сиёсий, мафкуравий, миллий, диний адоват ёки душманлик, муайян ижтимоий грухга нисбатан нафрат ёки адоват, ғаразли ниятлар, муассасалар фаолиятини издан чиқариш истаги, қасос, ҳasad, ғазаб ва ҳ.к. Оммавий тартибсизликларда иштирок этиш мотиви сифатида, айрим тадқиқотчилар безорилик мотивларини ҳам санаб ўтишади³⁶.

Хуллас, оммавий тартибсизликлар ва бир грух шахслар томонидан содир этиладиган безорилик таркибининг қонундаги конструкциялари ушбу жиноятлар ўртасида аниқ тафовут белгилашга имкон бермайди, бу эса, табиийки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун тегишлича квадификация муаммосини келтириб чиқаради. Олий суди Пленуми қарорида ушбу масала бўйича аниқ тушунтириш берилмаганлиги вазиятни янада чигаллаштиради.

Шу боис, оммавий тартибсизликларда иштирок этишни бир грух шахслар безорилиги сифатида квалификация қилиш ҳолатлари тергов ва суд амалиётида учраб туриши бежиз эмас.

Хўш, бир грух шахслар томонидан содир этилган безорилик ва оммавий тартибсизликларда иштирок этиш каби қилмишларни ўзаро аниқ фарқлаш мумкинми, агар бўлса, қандай мезонларга қўра фарқлаш мумкин? Жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу муаммони ҳал қилиш юзасидан бир нечта қарашлар илгари сурилган. Уларнинг баъзилари ғоят мунозарали.

Мисол учун, тадқиқотчи Ю.И. Жих қўрсатилган жиноятларни фарқлаш муаммосини РФ ЖК 212-моддасидан 2-қисмни - оммавий тартибсизликларда иштирок этишни чиқариб ташлаш орқали ҳал қилишни таклиф қиласди³⁷.

Бу таклиф, ўз моҳиятига қўра ғоятда баҳсли. Биринчидан барча оммавий тартибсизликлар ҳам безорилик мотиви асосида содир этилмайди ва ушбу тартибсизликларда иштирок этишни тўлиқ чиқариб ташлаш, турли бошқа мотивлар, масалан, сиёсий, ғаразли мақсадларда, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий

³⁴ Векленко С.В., Рагозина И.Г. Уголовная ответственность за хулиганство. Омск, 2008. – Б.31.

³⁵ Волков Б.С. Мотив и квалификация хулиганства. Казань, 1968. – Б.152.

³⁶ Кумышева М.К. К вопросу о массовости в уголовно-правовой характеристике массовых беспорядков // Проблемы в российском законодательстве. 2018. N 3. С. 79-81.

³⁷ Жих Ю.И. Уголовная ответственность за групповое хулиганство: Автореф. дисс...канд. юрид. наук. Волгоград, 1998 - Б.27.

шароитларидан норозилик туфайли ва ҳоказо мотив асосида содир этиладиган ижтимоий хавфли қылмишларнинг кенг доирасини декриминаллашувини англаатади.

Аксарият муаллифлар ҳам бу саволга ижобий жавоб беришади, аммо турли мезонларни таклиф қилишади. Айрим муаллифлар бу таркиблар ўртасидаги фарқни субъектив томонида кўришади. Хусусан, “оммавий тартибсизликлар пайтида жиноятчилар давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатга, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига салбий муносабатини ёки бу сиёсатни тушунмаслик ёки уни маъқулламаслик, тан олмасликни кўрсатишга интилади.

Бир гурух шахслар безорилиги холатларида жиноятда иштирок этаётган шахслар жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, очикдан-очик ҳурматсизликни, умумэтироф этилган ахлоқ нормаларини рад этишларини кўрсатишга интиладилар”³⁸.

Бошқаларнинг фикрича, оммавий тартибсизликлар безориликдан жиноий фаолиятнинг миёси ва табиати билан ажralиб туради. Қирғин солиш, ўт қўйиш, портловчи моддалардан фойдаланиш оммавий тартибсизликлар белгиси ҳисобланади, безориликда бундай жиддий талофатлар бўлмайди. Оммавий тартибсизликлар пайтида жиноятчилар давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатга нисбатан салбий муносабатини ёки бу сиёсатни нотўғри тушуниш, маъқулламаслик, уни тан олмаслик, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини, айрим ҳодисалар (масалан, футбол жамоасининг мағлубиятини) маъқулламасликларини кўрсатишга интиладилар³⁹.

Кейинги тадқиқотчиларнинг фикрича, оммавий тартибсизликлар бир гурух шахслар безорилигидан, энг аввало, тажовузнинг асосий обьекти, обьектив томони мураккаблиги⁴⁰, шунингдек, кўп сонли иштирокчилар – оломон мавжудлиги билан фарқланади⁴¹.

Тўртинчи гурухга оид изланувчилар, таҳлил қилинаётган жиноятларни таркибнинг обьектив ва субъектив белгиларига кўра фарқлашни таклиф қиласди. “Безориликни содир этишда, деб ёзади Д.С. Пашкин, - жамоат тартиби бузилади, аммо у оммавий тартибсизликлар содир этилгандан кўра анча камроқ кўламда намоён бўлади. Айрим ҳолларда безорилик ҳаракатларида бир кичикрок гурух, бошқа ҳолларда бир неча ўнлаб кишилар иштирок этадилар. Айни пайтда, оммавий тартибсизликларда бир вақтнинг ўзида юзлаб ва минглаб иштирокчилар бўлиши мумкин бўлган оломон намоён бўлади. Таққосланган таркибларнинг субъектив белгиларига кўра ҳам сезиларли фарқларни кўриш мумкин. Хусусан, оммавий тартибсизликлар мотивларига миллатчилик, тамагирлик, сиёсий, безорилик ва бошқа

³⁸ Голик Ю.В. Ответственность за хулиганство: изменение законодательства // Lex Russica. 2017. N 8. С. 162-166.

³⁹ Жунусова Г.Б. Уголовная ответственность за хулиганство по законодательству Кыргызской Республики: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. Бишкек, 2006. - Б.20.

⁴⁰ Козлов В.А. Массовые беспорядки в СССР при Хрущеве и Брежневе (1953 - начало 1980 гг.). М., 2010.

⁴¹ Борисов С.В., Жеребченко А.В. Квалификация преступлений экстремистской направленности: Учебное пособие. М., 2010. - Б.258; Борисов С.В. Хулиганство: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Дисс...канд. юрид. наук. М. 2005 - Б.170

мотивларни киритиш мумкин. Безорилик учун эса жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик мотиви зарурий белгисидир”⁴².

Бизнинг фикримизча, мотивлар оммавий тартибсизликлар ва бир гурух шахслар безориличини фарқлашда фақатгина айборларда безорилик ниятлар бўлмаган ҳоллардагина мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки қайд этилган мотивлар безорилик пайтида ҳам, оммавий тартибсизликлар пайтида ҳам содир бўлиши мумкин.

Ушбуларни инобатга олган ҳолда, шундай хулосага келиш мумкинки, башарти қилмишда юқорида санаб ўтилгандан бошқа мотивлар аниқланганда, у оммавий тартибсизликлар сифатида квалификация қилиниши керак (албатта ушбу жиноятнинг объектив белгилари юзаша келганида). Жумладан, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини бузган ҳолда, зўравонлик, мол-мулкни йўқ қилиш ва бузиш билан боғлиқ бўлган рейдер босқини вақтида корхона худудига зўравонлик билан оммавий кириб бориш, оммавий тартибсизликлар сифатида тан олиниши тўғри деб топилиши лозим⁴³. Жиноятчилар бу ерда ғаразли мақсадни - корхонани эгаллаб олишни кўзлайдилар, бу эса безорилик ниятини, демакки безорилик жиноятини истисно қиласди.

Шу билан бирга, тадқиқотчиларининг қайд этишича, ҳуқуқни қўллашда кўпинча бу хатти-ҳаракатлар безорилик деб баҳоланади⁴⁴. Эҳтимол, бунинг сабаби рейдерлик қилмиши учун мустақил жиноят таркибининг мавжуд эмаслигидир. Корхонани эгаллаб олишда оломон сифатида тан олиб бўлмайдиган, нисбатан саноқли шахслар иштирок этган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган безорилик тўғрисидаги нормани қўллашга мажбур бўлади. Ваҳоланки бу ҳолат, бизнинг фикримизча, қонун аналогиясидан бошқа нарса эмас, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Биз, мазмунига ғаразли ният киритиш орқали тамагирлик мотивини кенг талқин этилишини танқид қилувчи муаллифлар фикрига қўшиламиз⁴⁵. Муаммонинг ечими жиноят қонунини ўзгартиришдан иборат, аммо бу масала – мустақил илмий тадқиқот мавзусидир.

Тадқиқотчи Ж.Джавкашевнинг фикрича, безориликда асосий эътибор берилиши зарур бўлган жиҳат бу айбор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англашган бўлиши лозимдир. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан ва жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Масалан: шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айни вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ хурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англашган бўлса,

⁴² Пашкин Д.С. Квалификация хулиганства: Учебное пособие. Челябинск, 2006. - Б.78.

⁴³ Приговор Октябрьского районного суда г. Екатеринбурга от 9 апреля 2007 г. по факту участия в массовых беспорядках в целях захвата властных полномочий руководства ОАО «Оборонснабсбыт» и ООО «РК «Оборонснабсбыт».

⁴⁴ Карпович О.Г. Виды мошенничества. Рейдерство // Налоги. 2010. №25; Манахов С.А., Акжигитов Р.И., Сычев П.Г. Расследование преступлений, связанных с незаконным захватом предприятий // Методический обзор. М.: СК при МВД РФ, 2005. – Б.9; Соловьев И.Н. Правовые основы противодействия рейдерству // Юрист. 2011. №1

⁴⁵ Волков Б.С. Мотив и квалификация хулиганства. Казань, 1968. – Б.32

қилмиш безорилик сифатида квалификация қилинади ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди⁴⁶.

Оммавий тартибсизликларда иштирок этиш ва бир гурух шахслар безорилигининг субъектив томони безорилик мотиви билан тавсифланган ҳолларда, бу жиноятларни фарқлаш мезони, назаримизда, оммавийлик хусусияти ва у билан боғлиқ бевосита объектнинг тавсифи хисобланади. Бу ҳолатда фарқлашнинг мураккаблиги ушбу белгининг баҳоловчи хусусиятига боғлиқ. Олдиндан келишган ҳолда тил бириктирган бир гурух шахслар ва оломон ўртасидаги чегарани қандай аниқлаш мумкин?

Назаримизда, бу масалада иштирокчилар сони ҳал қилувчи мезон эмас. Бизнингча, инсонларнинг катта гурухи жамоат хавфсизлигига (жамоат тартибига) қандай таъсир қилиши, шунингдек, бу гурухнинг оломон белгилари хослиги ёки хос эмаслигини аниқлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак. Ушбу ҳолатлар далиллар билан тасдиқланиши ва суднинг хукмида акс эттирилиши керак. Қуйидаги суд қарорлари бу маънода далолат беради.

Ўқотар қуролдан жабрланувчига тан жароҳати етказиш ва ўлдириш, шунингдек, ўз-ўзидан ўзгаларнинг мулкига зарап етказиш, юқорида кўрсатилган белгиларсиз “оммавий тартибсизликлар” сифатида квалификация қилиш учун асос бўла олмайди ва ЖКнинг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Кейинги масала – бу “оммавийлик” белгисининг мазмуни, унга батафсилроқ эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, Ю.Н. Демидов оммавий тартибсизликлар ва безориликни фарқлаш муаммосини кўриб чиқиша, ҳақли равища қонунга хилоф қилмишни квалификация қилиш ҳар доим воқеанинг ўзига хос ҳолатларига боғлиқ ва бу ерда қатъий расмийлаштирилган мезонларни белгилаш жуда қийинлигини таъкидлайди. Айни дамда, қилмишда айрим белгиларнинг мавжудлиги (ноқонуний хатти-харакатлар оммавийлиги, уларда кўп сонли одамларнинг биргаликда иштирок этиши, уларнинг ҳокимият вакилларига қаршилик кўрсатиши, шу жумладан қуролли қаршилик кўрсатиш учун бирлашиши) ва қасдан қўпол равища жамоат тартибини бузиш ҳолатлари уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли даражада ошириб, бундай харакатларни оммавий тартибсизликлар миқёсига қадар кучайтиради”⁴⁷.

Ўз фикрини исботлаш учун Ю.Н. Демидов қуйидаги мисолни келтиради. Фуқаролар М.С. ва Ж.лар РСФСР ЖКнинг 206-моддаси 2-қисми ва 98-моддаси (ашаддий безорилик ва ўт қўйиш йўли билан давлат мулкини йўқ қилиш) да назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган. Суд жараёнида маълум бўлишича, соат тахминан 23:00 атрофида Алметьевск (Татаристон) шаҳрининг

⁴⁶ Ж.Джавкашев. Безорилик жинояти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Central asian research journal for interdisciplinary studies (CARJIS) // Google Scholar Universal Impact Factor: 7,1 ISSN:2181-2454 // VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2022 – B.535-541

⁴⁷ Демидов Ю.Н. Массовые беспорядки: уголовно-правовой и криминологический аспекты. М., 1994. - Б.49.

сайилгохыда бир гурух ёшлар йиғилиб, полиция ходимлари билан низолашиб, сүнг уларга тош ва таёқ ота бошлаган. Полиция ходимлари патрул машинасида беркиниб, паноҳ топишган. Шунда С., М. ва Ж.лар ўзларига қўшилган бошқа ёшлар билан бирга автомашина ёнига югуриб келиб, ичидаги полиция ходимлари билан бирга машинани уч марта ағдариб, дераза ойналарини, фараларни, таёқ билан рацияни синдириб, автомашинани, тошбўрон қилган ва полициячиларга тан жароҳати етказган.

Бундан қаноат топмаган, ва воқеа жойига тўпланишга улгурган 220-250 кишидан иборат оломон, шу жумладан М., С. ва Ж.лар шаҳар ички ишлар бўлимига боришади. Бу ерда полиция ходимлари тартибсизликларни тўхтатиб, тарқалиб кетишни бир неча бор талаб қилишларига қарамай, 1,5-2 соат давомида бино деразаларига тош ва таёқ улоқтиришган. Жиноят ҳаракатларини ИИБ ҳовлисида давом эттирган ушбу шахслар бошқа оломон аъзолари билан биргалиқда полиция автомашиналарини йўқ қилган ва ёқиб юборган.

Оломон полиция бўлимининг навбатчилик бўлимига киришга уринганида, унинг ходимлари қурол ишлатган. Шундан кейингина оломон тарқалиб кетди. Унинг ҳаракатлари натижасида ИИБ биноси ва мулкига катта миқдорда зарар етказилган.

Биринчи инстанция суди томонидан М., С. ва Ж.ларнинг ҳаракатлари тергов органлари томонидан безорилик сифатида квалификация қилинган. Улар жамоат тартибини қўпол равишда бузадиган, жамиятга нисбатан қасдан менсимаслик ва ҳурматсизликни ифодаловчи, ўзига хос шиддаткорлиги ва дадиллиги билан ажралиб турадиган ва ҳокимият вакилларига қасдан бўйсунмаслик билан боғлиқ ҳаракатларни содир этган. Бундан ташқари, улар давлат мулкини қасдан ўт қўйиш йўли билан кўп миқдорда мулкий зарар етказишган. Айни дамда, "Суд ҳукмида берилган квалификация, - деб ёзади Ю.Н. Демидов, - камида мунозарали, чунки маҳкумларнинг оломон аъзолари сифатидаги ҳаракатлари "оммавий тартибсизликлар" жинояти белгиларига эга⁴⁸.

Бу мисол, бизнингча, бир гурух шахслар безорилигининг оммавий тартибсизликларга айланиб «ўсиб бориши» ҳолатини кўрсатади. "Ўсиб бориш" атамаси ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ ҳолда кенг қўлланилади ва бу ҳолатда ҳам ўринлидир. Агар бир гурух шахслар безорилигини содир этаёган шахслар, уларга қўшилиб оммавий тартибсизликларнинг объектив томонини белгиловчи ҳаракатларни амалга оширувчи кўп сонли шахслар иштирок этадиган бўлса, бу ҳолда бизнингча, оммавий тартибсизликлар бўйича квалификация тўғри бўлади. Шунингдек, бундай шахслар безорилик қилгандан кейин оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш ҳолатларини ҳам баҳолаш зарур.

Назаримизда, бир гурух шахслар безорлиги ҳамда оммавий тартибсизликларда иштирок этишни фарқлаш учун жиноятчиларнинг қасди мазмуни ҳам муҳим.

⁴⁸ Демидов Ю.Н. Массовые беспорядки: уголовно-правовой и криминологический аспекты. М., 1994. - Б.50.

Таҳлил қилинаётган жиноятларни объектив томони бўйича фарқлашга келсак, бу белгиларнинг безорилик таркибида баҳоловчи хусусиятга эгалиги, шунингдек, юқоридаги сабабларга кўра, буни фақат битта ҳолатда амалга ошириш мумкин.

Агар жамоат тартибини бузиш, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик ифодаловчи қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган буюмларни қўллаш орқали содир этилган бўлса, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирса, лекин уларга реал жисмоний зарар етказилмаган бўлса, шунингдек, мулкий зарар етказилмаган бўлса, бу ҳолда безорилик содир этилган бўлади.

С.В. Борисов ва А.В. Жеребченконинг сўзларига кўра, безорилик ва оммавий тартибсизликларнинг объектив томони белгилари ўртасида бир нечта номувофиқлик ҳолатлари мавжуд:

- оломон томонидан безорилик ниятида ва совуқ ёки ўқотар қурол бўлмаган бошқа қуроллар ёки тегишли нарсаларни қўллаш билан содир этиш, фақат мулкка зарар етказиш билан чекланиш;

- жабрланувчиларга мулкий ёки жисмоний зарар етказиш ва зўрлик ишлатиш ёки қурол ёхуд шунга ўшаш ашёлардан жамоат жойларида фойдаланиш⁴⁹.

Муаллифларнинг фикрича, бу ҳолатлар ёки Жиноят кодексининг оммавий тартибсизликлар жинояти билан қўшимча равишда квалификация қилиниши керак ёки бундай ҳаракатлар (оммавий тартибсизликлар объектив томонига кирувчи бошқа ҳаракатлар бўлмаса) фақат безорилик сифатида баҳоланиши керак⁵⁰.

Биз ушбу фикр билан фақат ушбу ҳолатга нисбатан айтилганда, қўшилишимиз мумкин, чунки биринчи ҳолатда ЖКнинг 244-моддасида қирғин, ўт қўйиш кўринишларидан бири бўлган мулкни нобуд қилиш ҳақида сўз боради, бунда ўқотар қуроллар қўллангани ёки қўлланмагани квалификация учун муҳим эмас. Шунингдек, безорилик ва оммавий тартибсизликлар жамини бир шахс айбига юклаш мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳам мунозарали. Ҳар ҳолда, ҳукуқни қўллаш амалиётидан бундай мисол топмадик. Бизнинг фикримизча, агар безорилик ва оммавий тартибсизликларда иштирок этиш белгилари мавжуд бўлса, ЖКнинг 244-моддаси 3-қисми қўлланилиши керак, чунки мазкур жиноят ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан анча жиддийроқ.

⁴⁹ Борисов С.В., Жеребченко А.В. Квалификация преступлений экстремистской направленности: Учебное пособие. М., 2010 – Б.259.

⁵⁰ Борисов С.В., Жеребченко А.В. Ўша асарда - Б.259-260